



НУРИДДИН ШУКУРОВ-СЕРҚИРРА ИЖОД СОҲИБИ

Тошпўлат Юлдашевич Тугалов

СамДУ тадқиқотчиси, Самарқанд, Ўзбекистон

tugalovtoshpulat@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада серқирра ижод соҳибии профессор Н.Шукуровнинг бадиий ижоди ҳақида сўз юритилади. Унда олимнинг фақатгина адабиётшунос эмас, ҳассос шоир ва ёш ижодкорларга бекиёс мураббий ҳам бўлганлиги ёритилади. Жумладан, олимнинг “Хушнуд” таҳаллуси билан ёзган шеърлари унинг яхшигина бадиий ижоди борлигини, ноёб истеъдодга эга бўлганлигини кўрсатиши далилланиб, айрим ижод намуналари таҳлилга этилган. Жумладан, ижодкор-олимнинг “Илҳом хотирасига”, “Воҳид Абдулло қани?”, “Кавказни кездим” каби шеърлари автобиографик характерга эга бўлиб, муаллифининг қалби дарё инсон эканлигини кўрсатувчи хотираномалар каби эканлиги айтиб ўтилган.

Калит сўзлар: таҳаллус, пейзаж, услуб, метод, оқим, пафос, проза, танқидчилик, миллий рух, мавзу, композиция, бадиий тил, поэтика.

НУРИДДИН ШУКУРОВ - ТАЛАНТЛИВЫЙ ТВОРЕЦ

Ташпулат Юлдашевич Тугалов

Исследователь СамДУ, Самарканд, Узбекистан

tugalovtoshpulat@mail.ru

Аннотация

В этой статье профессор Н., плодовитый талант. Упоминается о художественном творчестве Шукурова. Это подчеркивает тот факт, что ученый был не только литературным критиком, но и чутким поэтом и несравненным наставником молодых творцов. В частности, было доказано, что стихи, написанные ученым под псевдонимом "Хушнуд", свидетельствуют о том, что он обладал хорошим художественным творчеством, был человеком



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

уникального таланта, и были проанализированы некоторые примеры творчества. В частности, в книге "Где Вахид Абдулло?", посвященной вдохновению творца-ученого, такие его стихотворения, как "Я бродил по Кавказу", носят автобиографический характер, а сердце автора упоминается как напоминание о том, что река - это человек.

Ключевые слова: псевдоним, пейзаж, стиль, метод, течение, пафос, проза, критика, национальный дух, тема, композиция, художественный язык, поэтика.

NURIDDIN SHUKUROV - TALENTED CREATOR

Toshpulat Yuldashevich Tugalov

Researcher SamSU, Samarkand, Uzbekistan

tugalovtoshpulat@mail.ru

Abstract

This article tells about the artistic work of Professor N. Shukurov. It says that the scientist was not only a literary critic, but also an excellent mentor for sensitive poets and young artists. In particular, the poems written by the scientist under the pseudonym "Khushnud" indicate that he had excellent artistic creativity and had a unique talent. In particular, such poems of the writer as "In memory of inspiration," "Where is Wahid Abdullah?," "I cut the Caucasus," are autobiographical in nature.

Keywords: pseudonym, landscape, style, method, flow, pathos, prose, criticism, national spirit, theme, composition, artistic language, poetics.

Адабиёт ва унинг илми тарихидан аёнки, ижодини илм билан бошлаган адабиётшуносларнинг бадиий ижод соҳасига қўл уришлари ниҳоятда мураккаб ва қийин кечган. Шу ўринда аниқ бир ҳақиқатни тан олишга тўғри келади. Адабиётшунослик шартли бўлса-да, муайян назарий қонун-қоидаларга таянади. Сюжет, композиция, услуб, метод, оқим, тасвирий воситалар, бадиий тил ва ҳоказо назарий масалалардан чуқур хабардорлик,



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

бадий ижоддаги фаолиятга ижобий таъсир қилиши мушкул. Ижодини бадий асарлар ёзиш билан бошлаган адибларнинг илмга ўтишлари анча енгил кўчган. Ойбек, П.Қодиров, Ж.Камол ижоди мисолида бунга гувоҳ бўлиш мумкин. Нуриддин Шукуров истеъдодининг яна бир қиррасини камтарлиги боис чоп этилмай, ён дафтарларида қолган шеърляти ташкил этади. Олимнинг санокли шеърларигина вақтли матбуот юзини кўрган. Шу маънода Н.Шукуров илмий асарлари енгил ва равон ёзилгани ҳолда шеърларининг яратилиши нисбатан қийин кечган.

Нуриддин Шукуров ўз шеърларига ҳам мунаққидлик назари билан қарагани, поэтик образлар яратишида мантиқан фикрлаши, мавзу ва сўз танлашида яққол кўринади.

Мунаққид олим мамлакатимиздаги адабий жараёни кузатиш, талабаларга адабиётшунослик сирларини ўргатиш, илмий-ижодий мақолалар ёзишдан ортиб ўзи ҳам шеърлятда қалам тебратиши Н.Шукуровнинг ниҳоятда нозиктаб ва катта иқтидор эгаси бўлганидан далолатдир. Олим ўзининг “Поэтик мазмун ва бадийлик проблемаси” мақоласида: “ғоявий-бадий жиҳатдан мукамал бўлган шеър ёзиш учун шоир, энг аввало, кучли поэтик фикрлар, таъсирчан лирик гаплар ёки характерли типик лавҳалар, ўткир фалсафий мулоҳазалар, хуллас, ҳаяжонбахш ва теран мазмун топиши лозим.”[4.32] -деган фикрни айтар экан, назмий асарларида ўзига ҳам шу талабни қўйиб шеърлар битади.

Нуриддин Шукуров табиатан мутойибага мойилроқ, хушнуд бўлганлари ва бошқаларнинг ҳам хуррам бўлишини истаганлари боис бўлса керак, шеърларига “Хушнуд” таҳаллусини танлаганлар. Шавкат Воҳидов, Мавлон Жўрақулов, Раҳматилло Қўнғуров, Ботурхон Валихўжаев каби қатор тенгдош ва сафдошларига атаб ёзган мувашшаҳ шеърларида дўстлар қувончини ўз шодлигидек қабул қилган лирик шахснинг хушнудлик кайфияти бўртиб кўринади. Мазкур шеърлардаги оригинал ташбеҳлар, ифори тоза тасвирий ифодадар, ҳаётий факт-деталларнинг изчил тарзда поэтик ғояни очишга йўналтирилганлиги, бадий ҳақиқати ва поэтик таъсирдорлиги билан китобхон қалбида ойдин ҳислар уйғотади.



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

Нуриддин Шукуров шеърларида масаланинг моҳиятига фалсафий ёндашиш, бугун ва кечани параллель ҳолда бадиий идрок этиш, арзимасдек туюлган хусусий ҳодисалардан кучли умумлашмалар чиқариш каби Ғафур Ғулом услубига хос ҳаётбахш анъаналар таъсирини илғаш мумкин.

Масалан, “Тўлқин” номли шеърда тўлқиннинг қирғоққа урилиши тасвирланар экан, ўзгараётган ва ўзгариши кутилаётган табиат манзараларининг ҳаётий деталлари лирик қаҳрамон кечинмалари вобасталигида изчил кузатилади:

Борлиқ сокин, денгиз ҳам сокин,

Фаранг янглиғ товланар майин.

Эркаланар қуёш тафтида,

Жилваланар нур эмган сайин...

Ана шу табиат манзараси лирик ифодага тортилиб, катта ҳаётий ҳақиқатни поэтик идрок этишга йўл очади. Шеър давомида бебош шамоллар бош кўтариб, беаёв тўлқинларни шиддат ила қирғоққа уриши, бир лаҳзада сокин денгиз қўйнида ғалаён кўрганлиги ишонарли деталларда тасвир этилади. Шеърни ана шу ўринда тугатиш ҳам мумкин эди, чунки табиат ўзгаришларини яқунловчи, шеърга хулоса бўларлик банд мавжуд. Бироқ, шеър давом этади, пейзаж тасвири инсон тақдиридаги ғалаёнларга, ҳар бир тирик жон ҳаётида учраб турадиган қисмат гирдобларига қиёсланади:

Шундай ўзгаришда бу моддий дунё,

Баъзан уйқудаги гўзалдай дилдор,

Ғафлатда қолмагин аммо, дўстгинам,

Баъзида беаёв тўлқинлари бор.

Шукуров ижодий меросида марсия шеърлар ҳам анчагина. Кўнгилга яқин дўстлар, устозлар, шогирдлар фироқи бу дунёнинг паст-баландини англаган, кўнглини маърифат нури билан тўлдирган адиб ижодида беиз кетмади. Инсон умри топиш ва йўқотишлар, зафар ва талофатлар, қувонч ва ўкинчлар, умид ва пушаймонлар гирдобида кечиши аён ҳақиқат. Ҳар бир топиш инсон руҳини етти қат арш сари юксалтирса, ҳар бир йўқотиш инсон кўнглини шу қадар чўктиради. Қалбда қатланган ситамлар залвори мадда боғлаган яра янглиғ кўнгилдан фарёд бўлиб сизади, қон ва кўз ёш бўлиб томади, юпун илинжлардан, мискин ўйлардан бошпана тилайди:



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

Дуённинг гултожи асли инсондур,
Пекин шу гултож ҳам омонат жондур,
Қанча улуг зотлар ерга ниҳондур,
Кўзим гирён, юрагим қондир...

Улуғ Турсун, Воҳид Абдулло, Мухтор Вали, Ҳусайн Ризо, Худойберди Дониёров, Ҳамдам Бердиёровлар фироқи лирик “мен” қалбидан ана шундай алампнок мисралар ила силкиб чиқади. Лирик қахрамон ўйларини поёнсиз фарёд, интиҳосиз ҳасрат улғайди. Ҳар бир сўз, ҳар бир ибора, ҳар бир мисра жудолик жавридан бўзлаётгандек, айрилиқ аламларидан сўзлаётгандек.

Ота учун фарзанд, устоз учун шогирд доғидан ортиқроқ мусибат бўлмаса керак. Нуриддин Шукуровнинг илмий раҳбарлигида фан номзодлари даражасига эришган шогирдлари Тошпўлат Ҳамид, Асқарали Шаропов, Илҳом Ҳасановлар бу фоний дунёни бирин-кетин бевақт тарк этдилар. Бу йўқотишлар устозга оғир зарба бўлди. Нуриддин Шукуровнинг айниқса, жуда боғланиб, меҳр қўйган шогирди Илҳом Ҳасанов хотирасига бағишланган “Илҳом хотирасига” марсияси дард ва ҳасратга, қайғу ва ситамга тўла:

Таянчим эрди Илҳомим, таянчимдан жудо бўлдим,
Қувончим эрди Илҳомим, қувончимдаг жудо бўлдим.

Жаҳондин ўтса устозлар, қолур шогирду мумтозлар,
Юпанчим эрди шу сўзлар, юпанчимдан жудо бўлдим...

Қадду қоматлари зебо, йигитлар ичра бир барно,
Ақлу идрокда ҳам якто, шу ганжимдан жудо бўлдим.

Ўтиндимки, сўзинг асра, кўз тегишдан ўзинг асра,
Фалокатдан ўзинг асра, ўтинчимдан жудо бўлдим.

Ҳаётда устоз учун энг оғири таянчи ва қувончи бўлган баркамол шогирдидан айрилиш бўлса керак. Бу жудолик Нуриддин Шукуровни қаддини ва руҳини букиб қўйди. Шоир “қадди зебо”, “йигитлар ичра барно”, “ақли идрокда якто” бўлган, илм ва ижод оламида ном қозонаётган талант эгаси, “ганжи”дан жудо бўлганини хотирлаб, ҳам устоз ҳам ота ўрнида қаттиқ оҳ чекади:



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

Жаҳонда бунча офат кўп, тасодиф кўп, фалокат кўп,
Ёвуз, маъшум ҳалокат кўп, ишончимдан жудо бўлдим...

Шеър оний кайфият маҳсули. Бироқ ана шу оний кайфият лирик қаҳрамоннинг маънавий-интеллектуал қиёфасида, ички руҳий олаmidан дарак бериб туради. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, шеър шоир қалбининг таржимаи ҳолидир. Инсоннинг биографияси саналар, рақамлар, фактлар билан чамаланса, қалбининг биографияси кечинма-туйғулари билан, шодлигу қайғулари билан намоён бўлади.

Юқоридаги марсия нафақат устознинг, меҳрибон отадек улуғ инсоннинг ҳам дарди, изтиробининг севимли ва суянган шогирдига бўлган муҳаббатининг аламли ифодасидир. Ҳа, бу шеър Бухорога шогирдини сўнги йўлга кузатиш учун бораётган Н. Шукуров томонидан ҳамкасблари, шогирдлари гувоҳлигида автобусда, ўксик юрак зарби билан ёзилганига гувоҳ бўлганмиз.

Мамлакатимизда ўзига хос ижоди билан танилган шоир Нодир Жонузоқ ҳам Нуриддин Шукуровнинг энг кенжа шогирди, Булунғур туманидаги мактабда ўтказилган ижодий кечада кашф қилган истеъдоддир. У устози кўнглининг оғриқ нуқтаси ҳақида шундай ёзади: “Илҳом Ҳасанов ҳақида эшитганмисан?” Мен “ҳа”, дедим. Гарчи у кишини яхши билмасамда, шоир Шавкат Ҳасаннинг акаси эканини, домланинг шогирди бўлганини ва талабаларга бош бўлиб, университетда кўп ишларни амалга оширганини эшитгандим. “Унга бағишлаб бир шеър ёзганман... Эшитасанми?” Мен домлани шеър ёзишидан беҳабар эдим. Бу янгиликни ҳазм қилиб улугурмасимдан, “ҳа” деб бош ирғадим. Домла чуқур қайғу билан марсияни ўқиб берди. Кўзларидан оққан бир томчи ёшни артаркан, чуқур хурсинди ва “Шогирд дегани мана шундай бўлиши керак...” деб хонадан чиқиб кетди. Бу воқеа менга қаттиқ таъсир қилди. Домла севимли шогирдининг ҳалокатига ҳамон кўниколмаётганини ҳис қилдим. Шундагина “Нуриддин Шукуров шогирд эмас, фарзанд етиштиради” деган гапнинг маъносини уқдим. Энди орадан шунча йил ўтиб ўзимча пичирлайман: “Устоз деганлари ана шундай бўлиши керак”!

Буюк одам асли оддий бўлади,
Тупроқ каби оддий, оддий нон каби.
Мободо ўлса ҳам, оддий ўлади,-



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

Маюсҳол жилмайиб туради лаби...”[1.52]

Нуриддин Шукуровнинг академик, устози Воҳид Абдуллаевга бағишлаб ёзган “Воҳид Абдулло қани?” шеъри ҳам марсиянинг етук намунаси бўлиб, шеърда Самарқанд адабий муҳитининг ёрқин намоёндаси бўлган меҳрибон устоздан айрилиш қайғуси, олим ва нуктадон, хушкалом инсоннинг улуғ қиёфаси гавдалантирилади:

Тариху меросга ул шайдо қани?

Сўзга моҳир, нуктадон усто қани?

Хушкалом, хушхулқу, хуш имло қани?

Ўртанур дил, Воҳид Абдулло қани?

Во дариғо, во дариғо, во дариғ.

Таниқли олимнинг илм-фан йўлида қилган меҳнати, шогирдларига эътибори қайд этилиб, марҳум бебаҳо хазина-китобга ўхшатилади.

Айлади Жомий, Навоийни тавоб,

Равнақу, Роқимни этди бобу боб.

Хоксор, Мирий учун топди савоб,

Ул китоб устида ўлди ул-китоб.

Во дариғо, во дариғо, во дариғ.

Марсиядаги сўнгги мисранининг такрори шеърнинг таъсир кучини янада ошириб, қалб туғёнига таъсир этади. Бундай арузий восита дардни, йўқотиш қайғусини қалбга чуқурроқ сингдиради.

Аслида ҳам шеър табиат ва жамиятнинг гўзал ҳодисалари, одамнинг қалб кечинмаларидан туғилган бўлсада, бугун унинг замирида нозик ишқ-муҳаббат тўғуларини, нафрат тўла юрак исёнини, ширин табассуму, айрилиқ азобларини, объектив борлиқ ва руҳий олам учрашувидан ҳосил бўлган жамики фикр ва туйғуларнинг поэтик манзарасини кўрамиз. Бу ҳолат Нуриддин Шукуров ёзган шеърларга ҳам тўлиқ дахлдордир.

Мунаққид шоир сифатида шеърӣ жанрларнинг деярли барчасида қалам тебратиб, ўз салоҳиятини кўрсатади. Мумтоз адабиёт намуналаридан саналган ғазал (“Кавказни кездим”, “Илҳом хотирасига”) ва муҳаммас (Машраб ғазалига муҳаммас) шулар жумласидан.



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

“Менинг фикримча,-деб ёзган эди Лазиз Қаюмов, ҳам илмни ҳам ижодни қойиллатиб уддалай оладиган олимларни назарда тутиб,- бизнинг замонамизда адабиётшунослик соҳасида илмий тафаккур билан бадиий тафаккур жуда яқинлашиб келаяпти. Тўғрироғи, танқидчининг бадиий маҳорати ошмоқда, шоирнинг эса илмий тафаккури кучаймоқда.”[6.357]

Н. Шукуровнинг “Кавказни кездим”, “Баҳовуддин Балогардон” ғазаллари, “Варзоб билан суҳбат”, “Денгиз” каби лирик шеърлари, “Ёшлик булоғи” номли воқеабанд шеъри гарчи турли йилларда ёзилган бўлса-да, воқеликни поэтик талқин этишдаш ўзига хос услуби билан ажралиб туради.

Н.Шукуров бир мақоласида “шоирнинг биргина жанрда ижод қилиши унинг талантининг бирёқламалигидан дарак беради”, - деб ёзган эди. Шу маънода қарайдиган бўлсак, Н.Шукуровнинг турли хил ва жанрларда ижод қилганлигига, таланти серқирралигига гувоҳ бўламиз.

Нуриддин Шукуров шеъриятни жуда севган ва мутолаа гаштидан завқ олиб, илмий тадқиқотлар қаторида ижод олами ичра ҳам мунаққид ҳам шоир сифатида адабиётнинг икки қирғоғида ишлаган, яшаган. Олимнинг денгиз саёҳати билан боғлиқ ажойиб шеъри бор.

Денгиз ҳам гуёки сўнгсиз осмондай,

Кўк-ҳаво денгизи, бу-сув денгизи.

Инсон ҳаёлини тортар азалдан

Денгизнинг тўлкини, кўкнинг юлдузи. (“Денгиз”).

Ушбу шеърда ҳам ҳаётнинг рангин кўринишлари, қалб кечинмалари ва изтироблари, адолатсизлик, ҳақсизлик, баъзан рўй берадиган тухмат ва хиёнатлардан “дил рубобидаги торларнинг узилиши”ни, “ҳаёт тўлкинида сузиш баъзан азоб, баъзан роҳатлигини”, уқтирар экан “Ҳаёт тўлкинлари сув тўлкинидай Сени ардоқламас беланчагида” дейди:

Денгиз уфқидами, мақсад уфқида,

Интилмоқнинг ўзи улуг савобдир.-деган ҳаётий хулоса чиқаради.

Нуриддин Шукуровнинг таниқли олимлар, дўст ва ҳамкасблари-Ш.Воҳидов, М.Жўракулов, Б.Валихўжаев, Р.Қўнғуровга атаб ёзган мувашшахлари, Улуғ Турсун, Воҳид Абдулло, Мухтор Вали, Ҳусайн Ризо, Худойберди Дониёров,



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th July, 2025

Ҳамдам Бердиёров, Илҳом Ҳасановга бағишланган марсиялари оғиздан-оғизга ўтиб, айтилади, эсланади.

Кўринадики, зукко адабиётчи нафақат илм-фанбилан шуғулланиди, кундалик ҳаёт ташвишлари, ташкилий ишлар, учрашув-мулоқот, дарслардан ортиб бадиий ижоди билан ҳам жиддий шуғулланиди. Ўзининг нафақат мунаққидлик иқтидори, балки дўстлари, ёри-биродарлари, шогирдларига инсоний меҳри муҳаббатини бадиий ифода этишга интилади. Шунинг билан биргаўзи яхши билган ижодкорлар асарлари, қардош халқлар адабиёти вакиллари шеърларини ҳам таржима қилиб китобхонлар ҳукмига ҳавола қилди.

Адабиётлар:

1. Жонузоқ Н. Устоз ёди. “Меҳрингизни соғиндик устоз”. Мақола Самарқанд: 2005.-Б. 52.
2. Камалак. Адабий-танқидий йиллик тўплам. Эдурдас Межелайтис. “Янги уфқлар” мақоласи. Тошкент, “Ёш гвардия”-1989 йил. 289-бет.
3. Шукуров Н. “Сўз сеҳри, шеър меҳри”. Самарқанд. “Зарафшон” нашриёти, 1992 йил. 125-126 бетлар.
4. Шукуров Н. “Бу олам саҳнида”. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1982. –Б. 32.
5. У.Норматов. “Гўзаллик билан учрашув” Тошкент. “Ёш гвардия” нашриёти. 1976 йил, 31-бет.
6. Қаюмов Л. Замондошлар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 1985 йил, 357-бет.